




# 2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ-НОЯБРЬ ОЙЛАРИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА "ЎЗРВБ" АЖ БОЗОРЛАРИ ШАРҲИ


## 2023 йил январь-ноябрь яқунлари бўйича “Ўзбекистон республикаси валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) бозорлари шарҳи

2023 йил январь-ноябрь ойларида ЎзРВБдаги савдолар умумий ҳажми - **915,02 трлн. сўми**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан **46,33 фоизга** ошди.


### ЎзРВБда савдоларнинг умумий ҳажми



### Ойлар кесимида савдолар ҳажми динамикаси



### ЎзРВБ бозорларининг умумий савдо ҳажмидаги улуши




## Пул бозори

ЎзРВБ пул бозорида бир кундан бир йилгача бўлган муддатга маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича банклараро депозит операциялари, тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банкнинг депозит аукционлари ташкил этилади, шунингдек РЕПО битимлари тузилиб, валютавий своп операциялари ўтказилади.

2023 йил январь-ноябрь ойларида пул бозоридаги савдоларнинг умумий ҳажми **449,79 трлн. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (235,93 трлн. сўм) нисбатан **90,64%**га ошди.

Умумий савдолар ҳажмида пул бозоридаги операциялар улуши **49,16 фоизни** ташкил этди ва ушбу бозорнинг етакчи мавқеини сақлаб қолишига имкон берди.


### Пул бозоридаги савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



Ҳисобот даврида банклараро пул бозорида 289,81 трлн. сўм миқдорида битимлар тузилди. Бунда, бир ҳафтагача бўлган муддатга жойлаштирилган депозитлар улуши 92,26 фоиз ёки 267,38 трлн. сўмни ташкил этди, шу жумладан бир кунлик муддати билан тузилган битимлар ҳажми 181,34 трлн. сўм ёки умумий ҳажмнинг 62,57 фоизига тенг бўлди.

Жойлаштириш/жалб қилиш муддати 1 ҳафтадан ортиқ (8 кундан 365 кунгача) битимларнинг умумий ҳажми 22,44 трлн. сўм ёки умумий ҳажмнинг 7,74 фоизини ташкил қилди.

### 2023 йил январь-ноябрь ойларида стандартлаштирилган даврлар кесимида банклараро пул бозори таркиби




## 2023 йил январь-ноябрь ойларида “1 кун” муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган даромадлилик қиёсий динамикаси



Ҳисобот даври мобайнида Марказий банкнинг депозит аукционларида тузилган битимлар ҳажми 91,33 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, битимлар бўйича даромадлилик Марказий банкнинг асосий ставкаси даражасида белгиланди.

Шунингдек, мазкур даврда 68,32 трлн. сўмлик дилерлараро РЕПО битимлари тузилди. Таққослаш учун, 2022 йилнинг мос давридаги кўрсаткич 0,54 трлн. сўмга тенг бўлган.


### РЕПО битимлари умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



Большинство заключенных сделок междилерского РЕПО или 97,56% (66,65 трлн. сум) от общего объема заключались сроком до семи дней (включительно). Общий объем части сделок со сроком более одной недели (14, 21, 30, 60 дней) составил 2,44% или 1,67 трлн. сум от общего объема.

Дилерлараро РЕПО битимларининг аксарияти етти кунгача бўлган муддатга тузилган бўлиб, бу умумий ҳажмининг 97,56 фоизи ёки 65,65 трлн. сўмга тенг бўлди. Бир ҳафтадан ортиқ (14, 21, 30, 60 кун) муддатга тузилган битимлар ҳажми 1,67 трлн. сўм ёки умумий ҳажмининг 2,44 фоизини ташкил этди.

## 2023 йил январь – ноябрь ойларида стандартлаштирилган муддатлар кесимида дилерлараро РЕПО операциялари




Шу даврда тузилган валютавий своп операциялари ҳажми 0,34 трлн. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилги кўрсаткичга (0,16 трлн. сўм) нисбатан ўсиш 108,28 фоизни ташкил этди.

### Валюта бозори

Бугунги кунда, ЎзРВБ валюта бозорида USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS ва CNY/UZS валюта жуфтликлари бўйича валютавий спот савдолари ташкил этилган.


2023 йил бошидан валюта бозоридаги савдолар умумий ҳажми **411,17 трлн. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (299,05 трлн. сўм) нисбатан **37,49 фоизга** ошди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида ЎзРВБ савдолар умумий ҳажмида валюта бозоридаги операциялар улуши **44,94** фоизни ташкил этди.

### Валюта бозоридаги савдолар ҳажмининг қиёсий динамикаси



Ҳисобот давридаги сўнги савдо кунлари яқунлари бўйича USD/UZS валюта жуфтлиги бўйича курс 12 280,01 сўмга тенг бўлди, йил бошидаги курсга (11 246,81 сўм) нисбатан ўзгариш 9,19% ни ташкил этди.

## USD/UZS валюта жуфтлиги бўйича курс динамикаси




### Қарз бозори

ЎзРВБ қарз бозорида давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) – Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг облигациялари ва мажбуриятлари, шунингдек Марказий банк облигациялари бўйича савдолар ташкил этилади.


Ҳисобот даврида ДҚҚ бирламчи бозорида жойлаштирилган қимматли қоғозлар ҳажми 43,13 трлн. сўмга тенг бўлди ва 2022 йилги мос кўрсаткичга (81,38 трлн. сўм) нисбатан **47,01 фоизга** камайди.

### ДҚҚ бирламчи бозорида савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси




Иқтисодиёт ва молия вазирлиги облигацияларининг бирламчи бозоридаги савдолар ҳажми ижобий динамикани кўрсатмоқда – ҳисобот даврида савдолар ҳажми 24,11 трлн. сўмга тенг бўлиб, 2022 йилги кўрсаткичга (11,01 трлн. сўм) нисбатан **118,90 фоизга** кўпайди.


## Бирламчи бозордаги (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги облигациялари) савдолар ҳажмининг қиёсий динамикаси



## 2023 йил январь-ноябрь ойларида ДҚҚнинг муомала даври бўйича жойлаштирилиши




2023 йилнинг январь-ноябрь ойларида бирламчи аукционлар натижаларига кўра, муомала даври бир йилгача бўлган қисқа муддатли ДҚҚ бўйича ўртача тортилган даромадлилик 15,91 -17,87 фоиз оралиғида ўзгариб турди.



Ҳисобот даврида ДҚҚнинг иккиламчи бозоридаги савдолар ҳажми 10,94 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (8,94 трлн. сўм) нисбатан **22,36** фоизга ошди.


## ДҚҚ иккиламчи бозоридаги савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



2023 йил январь-ноябрь ойлари давомида ДҚҚ бозоридаги савдолар умумий ҳажми **54,06 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос кўрсаткичига (90,32 трлн. сўм) нисбатан **40,14 фоизга** пасайди.

Қарз бозорида тузилган битимларнинг ЎзРВБ савдолар умумий ҳажмидаги улуши **5,91 фоизни** ташкил этди.

## Қарз бозоридаги савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



## Деривативлар бозори

Деривативлар бозорида базавий активи АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси бўлган ҳисоб-китоб фьючерс шартномалари савдолари ташкил этилган.

2023 йил январь-ноябрь ойлари давомида ушбу бозорда 3 млн. АҚШ доллар ҳажмида 3 000 та валюта фьючерс шартномаси тузилди.



## Депозитар фаолият

2023 йил 31 ноябрь ҳолатига кўра, ЎзРВБ депозитарийси ҳисоб регистрларида номинал қиймати бўйича сақланаётган жойлаштирилган ДҚҚ ҳажми ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан **5,44 фоизга** камайиб, 25 096,60 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот ойида муомала даври кесимида, муомала даври бир йилгача бўлган давлат қимматли қоғозлари улуши кўпроқ бўлди.

### ЎзРВБ депозитарийсида **жойлаштирилган** муомаладаги ДҚҚ ҳажми

Муомала даври	31.11.2022 й. ҳолатига	31.11.2023 й. ҳолатига	Ўзгариш 22/23
3 ойгача	14 676,00	3 000,00	-79,56%
3 ойдан 6 ойгача	3 790,71	2 479,03	-34,60%
6 ойдан 1 йилгача	3 539,50	252,80	-92,86%
1 йилдан 5 йилгача	4 222,98	17 855,22	322,81%
5 йилдан 10 йилгача	310,00	1 509,55	386,95%
<b>Жами</b>	<b>26 539,19</b>	<b>25 096,60</b>	<b>-5,44%</b>

### 2023 йил 31 ноябрь ҳолатига эмитентлар кесимида ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган **муомаладаги** ДҚҚ ҳажми

#### Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Муомала даври	31.11.2022 й. ҳолатига	31.11.2023 й. ҳолатига	Ўзгариш 22/23
3 ойгача	0,00	3 000,00	-
3 ойдан 6 ойгача	3 790,71	2 479,03	-34,60%
6 ойдан 1 йилгача	3 539,50	252,80	-92,86%
1 йилдан 5 йилгача	4 222,98	17 855,22	322,81%
5 йилдан 10 йилгача	310,00	1 509,55	386,95%
<b>Жами</b>	<b>11 863,19</b>	<b>25 096,60</b>	<b>111,55%</b>

#### Марказий банк

Муомала даври	31.11.2022 й. ҳолатига	31.11.2023 й. ҳолатига	Ўзгариш 22/23
3 ойгача	14 676,00	0,00	-100,00%
3 ойдан 6 ойгача	0,00	0,00	-
6 ойдан 1 йилгача	0,00	0,00	-
1 йилдан 5 йилгача	0,00	0,00	-
5 йилдан 10 йилгача	0,00	0,00	-
<b>Жами</b>	<b>14 676,00</b>	<b>0,00</b>	<b>-100,00%</b>